

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ИЖТимоий-сиёсий
газетаси

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2016 йил
1 январь
ЖУМА
№ 1 (12845)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошларим!
Мана шу файзли оқшомада байрам дастурхони атрофида тўплашиб ўтирган сиз, ҳурматли юртдошларимни, бутун Ўзбекистон халқини янги – 2016 йил билан самимий муборакбод этиб, барчангизга тинчлик-омонлик, сийҳат-саломатлик, хонадонларингизга кут-барак тилашни ўзим учун катта бахт, деб биламан.

Мана, азизларим, қадрдонларим, бугун биз вақтнинг азим дарёдек шиддат билан ўтишига яна бир бор гувоҳ бўлиб, янги йилга, ҳаётимизнинг янги бир довоига қадим қўймоқдамиз.

Айни шу лаҳзаларда ўтаётган йилни кузатар эканмиз, йил давомида бошимиздан кечирган, ён-атрофимизда бўлиб ўтган ташвишли ва қувончли воқеаларни, амалга оширган ишларимизни беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтказамиз, шу кунларга етказгани учун Яратганимизга шукроналар билдирамиз.

Мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган беқиёс ўзгаришларни, хонадонларимиз, маҳалла, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимизнинг қиёфаси тобора обод ва гўзал бўлиб бораётганини ҳисобга олиб, охирига етаётган йилимизга яқин ясаб, ҳолисона айтадиган бўлсак, 2015 йил биз учун ҳар томонлама ҳосиятли ва файзли бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Буларнинг тасдиғи ҳақида гапирганда, руҳсатингиз билан айрим мисол ва рақамларни келтиришни ўринли, деб биламан.

Кейинги 11 йил давомида мамлакатимиз иқтисодиёти ҳаётдаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, шу жумладан, 2015 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмаганини ўзи, ҳақиқатан ҳам, тарихий бир воқеадир, десак, адашмаган бўламиз.

Иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал тараққи топаётгани, юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналарнинг ишга туширилаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилаётгани, ахборот-коммуникация тизимларининг ҳаётимизга фаол жорий этилаётгани, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг дунё бозорига рақобатдошлиги ортиб бораётгани – буларнинг барчаси биз эришаётган ютуқларнинг мустаҳкам пойдеворини ташкил этмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг, турли қийинчиликларга қарамадан, 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд галла, 3 миллион 350 минг тонна пахта, 14 миллион 500 минг тоннага яқин сабзавот ва полиз, 4 миллион 300 минг тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилган бозор ва дўконларимиздаги мўл-кўлчиликни, нарх-навоининг меъёрида бўлишни таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилди ва бунинг учун дала меҳнатқиларига ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Ана шундай салмоқли натижаларимиз 2015 йилда аҳолиимизнинг реал даромадларини 9,6 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини 21,9 фоизга ошириш имконини берди.

Шулар қаторида халқимизнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, турли гуманитар тармоқларни янги, замон талаб қиладиган босқичга кўтариш биз учун доим устувор йўналишлар қаторида бўлиб келмоқда.

Лекин, агар бугунги замон қандай шиддат билан ўзгариб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу соҳаларга, аввало, таълим-тарбия соҳасига эътиборимизни янада кучайтиришимиз даркор.

Чунки замон ўзгариши билан одам, инсон ҳам ўзгариши, унинг дунёқараши, ҳаётга, ҳаётдаги ўз роли ва бурчи га муносабатлари ва қарашлари бир ҳолатда турмайди.

Айниқса, катта ишонч билан ҳаётга кириб келаётган азиз фарзандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга ошираётган дастурларимиз биз олдимизга қўйган буюк мақсадларга жавоб беришига ишончимиз мустаҳкам бўлиши зарур.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, биз дунёдаги ривожланган, демократик давлатлар қаторига кўтарилишни энг юксак мақсадимиз сифатида қўйган эканмиз, бундай ўта муҳим ва масъулиятли вазифа, авваламбор, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган, замонавий билим ва тажрибага эга бўлган, мустақил фикрлайдиган, ватанпарварлиги ва ҳозирлиги билан ажралиб турадиган ёш авлодимиз зиммасига тушади.

Уртага қўйилган бундай улкан вазифанинг нақадар чуқурлигини ва масъулиятини ҳисобга оладиган бўлсак, таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришда маблағимизни ҳам, ўзимизни ҳам аямаслигимиз керак, деб ўйлайман.

Азиз дўстларим, қадрли юртдошларим!
2015 йил мобайнида мамлакатимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, жаҳон майдонида Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш йўлида янги-янги марраларни забт этганимиз, халқаро миқёсдаги нуфузли рейтингларда Ўзбекистоннинг юқори ўринларни эгаллаётгани ҳаммамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Тасаввур этишингиз ўзи ҳам қийин бўлган ана шундай улкан ютуқларимизни сарҳисоб қилиб, "Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?" деган нуқтаи назардан босиб ўтган йилимизни баҳолаб эканмиз, тўла ишонч билан айтмоқчиман: бундай юксак муваффақиятларнинг иходжори ва бунёдкори бўлган, ана шу натижаларга эришиш йўлида машаққатли синовларда тобланган, мард ва танги халқимиз олдида, барча-барча ватандошларимиз олдида чин қалбдан таъзим қилишни ўзим учун катта шараф деб ҳисоблайман.

Мухтарам дўстлар!

Мана шундай ҳаяжонли ва шуқуҳли дамларда ҳар қайси инсон янги йилни кутиб олар экан, айни шу дақиқаларда қалбида, юрагида сақлаб келаётган эзгу орзу-умидларнинг ушалишини, оиласи, яқинлари, она юрти тинч-омон бўлишини, янги йил янада хайрли ва баракали бўлишини ҳаёлидан ўтказди.

Ишончим комилки, кириб келаётган 2016 йилимиз 2015 йилга нисбатан кам бўлмасдан, ҳосиятли ва самарали бўлишига тўлиқ асосларимиз бор. Бунинг учун олдинги йилларда мамлакатимизда ҳар томонлама мустаҳкам замин – пойдевор ташкил қилинган ҳеч кимга сир эмас. Шу билан бирга, қутилаётган турли қийинчилик ва тўсиқларни енгиш учун биз катта тажрибага эгамиз.

Мавжуд бўлган тўсиқ ва муаммолар ҳақида гапирганда, аввало, ташқи томондан пайдо бўлаётган омишлар, яъни, глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётгани, дунё бозорларида вазият ноаниқ бўлиб қолаётгани, терроризм ва экстремизм балоси тобора кучайиб бораётганини ва бундай оғир муаммолар ҳаётимизда кўпгина давлатлар бошига катта бир савдо бўлиб, шу жумладан, бизнинг елкамизга ҳам тушганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Бундай вазиятга қарамадан, бизнинг прогноз ва ҳисоб-китобимиз шуни кўрсатадики, кириб келаётган 2016 йилда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари 7,8 фоизга, аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлари 9,5 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг миқдори турли манбалар ҳисобидан 15 фоизга ошиши кутилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2016 йилда давлат бюджетини илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт тармоқларини ўзида мужассам этган ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарфланадиган маблағлар 2015 йилда ўзлаштирилган маблағларга нисбатан анча кўпроқ бўлиб, давлат бюджети умумий харажатларининг 59,1 фоизини ташкил этади.

Кириб келаётган йилда барча молиявий манбалар ҳисобидан иқтисодиётимизга 17 миллиард 310 миллион доллар миқдоридagi капитал қўйилмалар йўналтирилиб, уларнинг 23,5 фоизини чет эл инвестициялари ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, янги – 2016 йил кўпгина кўрсаткичлар бўйича якунига етаётган 2015 йилга нисбатан кам бўлмасдан, балки кўп соҳаларда ундан анча юқори ва зиёда бўлиши мўлжалланмоқда.

2016 йилда умумий қиймати 5 миллиард 500 миллион доллар бўлган 164 та йирик ишлаб чиқариш объектида қурилиш ишларини якунига етказиш ва уларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Шулар қаторида Толлимаржон иссиқлик электр станциясида ҳар бирининг қуввати 450 мегаватт бўлган иккита буг-газ турбинаси, Ангрен иссиқлик электр станциясида 150 мегаватт қувватга эга бўлган энергия блоқи қурилиши ниҳоясига етказиш, Олмалик кон-металлургия комбинатида 70 минг тонна мис ишлаб чиқарадиган металл эритиш корхонасини барпо этиш каби ўта муҳим лойиҳалар борлигини таъкидлаш лозим.

2016 йилда хитойлик шериклар ёрдамида Қамчиқ довоини кесиб ўтадиган 19 километрик туннель қурилиши тугатиб, Фаргона водийсини бутун Ўзбекистон билан боғлайдиган темир йўл ишга туширилиши, шунингдек, "Тошкент – Самарқанд" тезорар темир йўл қатновининг Бухорога етиб бориши белгиланган.

Айни вақтда "Женерал моторс – Ўзбекистон" акциядорлик жамиятида "Т-250" моделидаги енгил автомобиль ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Муборак газни қайта ишлаш заводида йиллик қуввати 80 минг тонна бўлган олтингургур гранулалари тайёрлайдиган корхонани барпо этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, замонавий тракторлар, янги русумдаги мобил телефонлар, планшет компьютерлари, ноутбуклар, телевизор ва ҳолодильниклар, кондиционерлар ҳамда бошқа маиший электр техника буюмлари, кенг турдаги дори-дармон воситалари ишлаб чиқарадиган қувватлар ҳам фойдаланишга топширилади.

Келгуси йилда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси "Боинг-787" ҳаво лайнерларининг энг замонавий авлодига мансуб иккита янги самолёт билан таъминланиши мамлакатимиз фуқаро авиацияси ривожини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Бундай мисолларни яна кўлаб келтириш мумкин. Мамлакатимизда янги йилга "Соғлом она ва бола йили" деб ном берганимизни эл-юртимиз катта мамнуни билан кутиб олгани ва кенг қўлаб-қувватлаётгани, бу қарор замирида мужассам бўлган "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" деган ғоя халқимизнинг олижаноб орзу-интилишларига нечоғлик ҳамоҳанг эканидан далолат беради.

Қадрли ватандошларим!
Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган янги – 2016 йил билан яна бир бор қизгин табриқлайман.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сиз, азизларга қалбимнинг тўрида бўлган энг самимий тилақларимни изҳор этаман:

мухтарам фахрийларимизнинг умрлари узоқ бўлсин, мунис аёлларимизнинг чехрасидан табассум аримасин, дилбар қизларимиз янада гўзал ва чиройли, бахтисаодатли бўлсин, ёшларимизнинг бахту иқболини берсин. Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин! Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Р. ИРМАТОВНИ «БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шухратини юксалтириш, халқаро майдонда ўзбек футболу нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари ҳамда ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳа-

ми, ФИФА рефериси Равшан Сайфиддинович Ирматов "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2015 йил 31 декабрь.

2016 йил – Соғлом она ва бола йили



УЛАР БОРКИ ҲАЁТ БАРДАВОМ

Мухтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" Айнан шу эзгу ният билан мустақиллигимизнинг чорак асрлик тантанаси нишонланадиган 2016

Соғлом бола ва соғлом она... Келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг истеъдодли, қобилиятли, ақл-заковатли, дунёдан ва эътиқодда мустаҳкам воясларини вояга етказишга, зурриятларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлишига, асрлар оша мерос бўлиб келаётган миллий қадр-ятларимизни янада чуқур қарор топтиришга ҳамда юксак поғоналарга кўтаришга қаратилган эзгу ният.

йилга қалбларни янада қувончга тўлдирувчи, келажаги буюк Ватанимизнинг муносиб ворисларини вояга етказишдаги сый-ҳаракатларимизга илҳом бахш этиб, дилларга шодлик улашувчи ниҳоятда ҳаётбахш ва улуг ном берилди.

Яна бир муҳим жиҳат – "Соғлом она ва бола йили" – "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Меҳр-муруват йили", "Сийҳат-саломатлик йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили", "Мустаҳкам оила йили", "Соғлом бола йили"нинг мантаний давоми сифатида янада кенг қамровли, юксак мақсадлар сари руҳлантирувчи муқаррам ном бўлди. Зеро, "бир

парча эт"ни ҳар жиҳатдан баркамол ва гўзал қилиб вояга етказувчи энг улуг, энг азиз зот онадир. Қалби мўъжизаларга бой, меҳри дарё онадан буюк зот йўқ. Она борки, ҳаёт бардавом. Жамики яхшилик ва эзгуликлар, жамиятнинг файзу барокати, соғлом авлод ва бахтли келажақ ҳам оналар шарафати билан.

Ота-она, оила, эл-юртнинг бахти, қувончи, ҳаётнинг кўрки ва фай-

(Давоми 2-бетда).

Муносабат

ЖАМИЯТИМИЗ БАХТИ

Тарихимиз солномасида эзгу қадриятларга садоқат рамзи бўлиб битилажак яна бир кутлуг йилимиз – Кексаларни эъзозлаш йили поёнига етди. У халқимизнинг бетақор инсоний фазилатлари инъикоси, юксак маънавиятимиз тантанасини дунёга намойиш этди. Кутлуг қадамлар билан кириб келган Янги – 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" дея номлангани эса, инсонпарварлик тамойиллари устувор давлат сиёсатининг яна бир исботи бўлди. Аслида истиқлолимизнинг илк йиллариданқон домий диққат эътиборда бўлган соғлом она ва бола масаласи мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, "энг муҳим, устувор вазифа сифатида белгилаб олинди".

Айниқса, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросига дахлдор барча масъуллар ўз фаолиятини чуқур мулоҳаза, танқидий назар билан тафтиш қилган бўлишлари табиий. Жумладан, мен ҳам оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш котибияти мудирси сифатида нималарга эътибор бердим-у, нималарни назардан қочирганимни яна бир бор сарҳисоб қилмоқдаман. Хулоса шуки, соғлом оила масаласига жиддий

(Давоми 2-бетда).

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

ВАТАН, ДЕБ УРАДИ ЮРАК...

Тошкент вилоятида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирида ўтаётган маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотида. Кенг ва ёруғ ўқув хонаси барча зарур қўлланмалар, кўргазмали қуроллар билан таъминланган. Алп келбатли, арслон ҳай-

батли йигитлар капитан Дониёр Холдировни диққат билан тинглайди. Бироздан сўнг капитан аскарларга савол билан мурожаат қилади: – Йигитлар, Ватан деган муқаддас тушунчага таъриф беринг. Аскарлардан бири кўл кўтаради.

– Ватан – бу туғилиб ўсган хонадоним, мени вояга етказган ота-онам, ака-сингилларим, болалигимнинг энг сурурли дамлари ўтган қишлоғим, мактабим, таълим-тарбия берган устозларим, она юртим... (Давоми 3-бетда).

МУРОЖАТ ҚИЛУВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Вилоят Аёллар маслаҳат марказининг яна бир филиали Қибрай туманида иш бошлади. Бу ҳам жамиятимизда хотин-қизларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Баъзан аёлларнинг ўз яқинларига айта олмай-диган муаммолари, ўй-фикрлари бўлади. – дейди марказнинг Қибрай туман филиали раҳбари Дилбар Айнекова. – Кимгадир маслаҳат солса, гап-сўз бўлишидан чўчибди. Бундай аёлларга тўғри йўл кўрсатиш, руҳий далда бериш, муаммоларини оқилона ечишга кўмаклашиш марказ фаолиятининг асосий мезони ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам, марказ хотин-қизлар ўртасида маънавий муҳитни соғломлаштириш, тиббий саводхонлигини ошириш, қону-

ний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, оила институтини ривожлантириш, уй бекаларнинг турмуш тарзини, дунёқаролини ўзгартириш ва турли маънавий-мафкуравий ҳужжатлардан асраш каби долзарб мақсадларга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Бу ерда ҳафтанинг маълум бир кунлари тажрибали руҳшунос, аёллар тадбиркорлиги бўйича маслаҳатчи, гинеколог, ҳуқуқшунос каби мутахассисларнинг қабул вақти этиб белгиланган. Марказ кўрсатадиган барча хизматларнинг бепуллиги



эса мурожаат қилувчиларга яратилган яна бир қулайликдир. Қибрай туман филиалининг очилиш тадбирида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра

Файзиева иштирок этди. Нозима РАСУЛОВА. Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

УЛАР БОРКИ ҲАЁТ БАРДАВОМ

сингиб кетган азалий интилишдир. Агар ота-болаларимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига ҳам назар солсак, улар инсоннинг насл-насабига, етти пуштининг тозаллиги, авлоднинг соғлиғига жуда ката эътибор берганини кўрамайз, дея таъкидлайдилар муҳтарам Юртбошимиз.

Ҳақиқатан ҳам ҳалоллик ва поклик соғлом авлодни дунёга келтиришнинг энг муҳим омилдир. Яъни, зурриётларни вужудга келтиришда ҳам ота, ҳам она қонда заррача нопок луқма бўлмаслиги лозим. Ҳазрат Мир Кулолнинг оналари дер эканлар: "Амир Кулол қорнида экан, ногоҳ шубҳали таом ютиб қўйсам, кўкрагим остида

шу қадар қаттиқ оғриқ пайдо бўлардики, ҳатто хушимдан кетаёзардим. Кейин маълум бўлдики, бу ҳол покиза фарзандим барокотидан экан".

Демак, болаларни аввалбосдан оқилона, ҳаром-ҳарий нарсалардан ҳоли сақлаш зарур. Бунинг учун ота-онанинг ўзлари ҳалол-пок бўлишлари керак. Зеро, ҳомилдорлик давридаги она ҳам, ота ҳам норова таому хатти-харакатлардан тийилишлари жоиз. Мухтасар айтганда, "Сут билан кирган жон билан чиқди" нақлини унутмаслик лозим.

Эркин ҒУЛОМОВ, республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи.

Пири бадавлатларимиз

Зангиота тумани, Кўктерек қишлоғининг "Маърифат" маҳалласилик Адолатхон ая Ҳамидова муборак 83 ёшни қаршиладилар. Улар босиб ўтган йўл нафақат 8 фарзанд, 25 наварра, 31 эварага балки, барчамиз учун ибрат.

1000 ОЙЛИК УМР ҲИҚМАТИ

Онахон кўп йиллар ҳўжалиқда ишлаган бўлсалар ҳам, фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратдилар. Фарзандлариди меҳр-оқибат, ахил-ноқлик, меҳнатсеварлик каби фазилатлар умр йўлдошлари Исабек ота Ҳамидовдан ўтганини бот-бот тақдорлайдилар ва бундан фахрланидилар.

Пири бадавлатликнинг сири ҳақида онахон шундай дейдилар: "Фарзандларинг эл қорига яраганини, уларнинг оиласи тинч, хотиржам яшаётганини кўрганда йиллар давомида машаққат чекиб, қилган

меҳнатларинг унутилади. Кексалик саодати, пири бадавлатликнинг гашти шуда!"

Ҳа, шундай кайвони онахонларимиз бор экан, биз, ёшлар улардан ибрат олишимиз, ҳаёт, оила, рўзгор, қайнона-келин муносабатларига оид маслаҳатларига қулоқ тутишимиз лозим. Зеро, уларнинг сўзларида ҳаёт ҳақиқати муҳасамдир.

Онахон дорилламон кунларга шукроналар айтишдан, фарзандларини дуо қилишдан қарачамидилар. **НОЗИМА АРСЛОНОВА.** Даврон АҚМАД олган сурат.



Сарҳисоб

ДАСТУР ОРТИҒИ БИЛАН БАЖАРИЛДИ

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури юзасидан вилоятимизда истикомат қилаётган 285 минг 331 кекса, айниқса, 341 нафар 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчи ва ногиронлари, 5280 нафар меҳнат fronti фахрийларига манзилли ижтимоий ҳимоя кўрсатилди. Хусусан, 625 уруш ва меҳнат fronti фахрийлари "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали, 346 уруш қатнашчилари ва ногиронларига 700 минг сўм пул мукофотлари ва турли сарғалар топширилди.

2015-2017 йиллар давомида 2 минг 925 уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ҳамда ёлғиз ва ижтимоий ёрдамга муҳтожларнинг уй-жой шaroитларини яхшилаш учун 6 млрд. 500 млн. сўмлик ҳимойлар маблагини йўналтириш режалаштирилган. 20 мингдан ортиқ ёшлардан иборат "патронаж ёшлар гуруҳи" ташкил этилиб, улар ҳар бир уруш ва меҳнат фахрийларининг уйларига бо-ришиб, рўзгор ишларида уларга кўмакчи бўлмоқда.

Дастур доирасида уруш ва меҳнат fronti қатнашчилари, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар ҳамда бошқа тоифа кекса авлод вакилларининг 285 минг 331 нафари тўлиқ диспансер кўригидан ўтказилди.

"Оҳангарон Саҳоват" ҳамда "Оҳангарон Мурувват" интернат-уйларида яшаётган 184 кекса ва ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 23,7 млн. сўмлик ҳимойлик маблаглари жалб этилиб, ётоқхоналар, шахсий гигиена воситалари ва кийим-кечак билан таъминланди. Шунингдек, Давлат дастури доирасида "Саҳоват" интернат-уйининг ётоқ мажмуаси ва ошхонаси 2 млрд. 845 млн. сўм маблаг сарфлаб, реконструкция қилинди. Кексаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида 25 та маданият ва истироҳат боғлари ҳамда 569 та маҳаллада 593 та хордиқ масканлари ташкил этилиб, 69 млн. сўмлик шахмат, шашка каби ўйин воситалари билан жиҳозланди.

"Кексалар дусини олайлик" шиори остида ўтказилган тадбирларда 3051 ёлғиз ва ижтимоий ёрдамга муҳтож кексалар зарур уй-рўзгор буюмлари билан таъминланди. Хусусан, 1470 нафарига кийим-кечак, 1347 нафарига уй-рўзгор буюмлари, 340 нафарига киши кийим-кечаклар, 89 кексага мебеллар берилди.

"Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида 9243 кексаларни тарихий жойлар билан таништириш учун сайёҳлик сафарлари уюштирилди. Жумладан, Тошкентта 3079, Самарқандда 2075, Бухорога 1007, Хоразмга 735, Шаҳрисабзга 361, Қўқон шаҳрига 140 ҳамда 1846 кексаларни бошқа шаҳарлардаги зиёратгоҳларга ташрифи ташкил этилди.

Мухтасар айтганда, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида 213 млрд. 717 млн. сўм ва 1 млн. 212 минг. АҚШ долларини йўналтирилди.

Абдурауф РАЗОҚОВ, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бош мутахассиси.

Огоҳлик

Жаҳоннинг турли бурчакларида содир бўлаётган воқеаларни эшитиб, ранжийсан киши. Онгу шуури захарланган бадқирдор кимсалар ногорасига ўйнаётган бир гуруҳ шахслар кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликларга қўл уришмоқда. Бу эса ҳар биримизни янада огоҳ бўлишга, жамиятимиздаги барқарорликни мустаҳкамлашга, ёшлар тарбиясида масъулиятни янада кучайтиришга даъват этади.

ЁТ ҒОЯЛАРГА УЧМАНГ

Биламизки, тинчлик ва оқилолликни таъминлашда маҳалланинг ўрни беқийс. Шунинг учун биз ҳам 2665 аҳоли истиқомат қилган маҳаллада "Ғи Қарори ижросини таъминлаш ҳақида"ги буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида ўқув-семинар ўтказилди, унда давлат бошқаруви органларининг вилоят ҳудудий бўлиmlари, туман ва шаҳар ҳокимликлари, давлат қорхона, муассаса ва ташкилотларининг ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарлари (туман шаҳар ҳокимликлари), юридик хизмат ходимлари ҳамда кадрлар бўлими бошликлари иштирок этди.

Бошқарма 2014-2015 йиллар давомида "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонун талабларига қатъий риоя қилиш ва йўл қўйилган қонбузилишларни бартараф этиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига 21 та тақдимнома ва 60 та ёзма кўрсатмалар киритди. Тақдимномалар натижасига кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 23 та норматив қарори бекор қилинди. Қолаверса, қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Адлия вазирлигига 28 та тақлиф берилди.

Хулоса қилиб айтганда, қонун ҳужжатларини экспертиза қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, қабул қилиш ва эълон қилиш соҳасидаги фаолиятни, шунингдек, қабул қилинган норматив ҳужжатларга эга қарорларнинг қонунийлигини ўрганиш каби қатор масалаларда самарадорликка эришилмоқда.

Н. МУҚИМОВ, вилоят адлия бошқармаси ҳуқуқий экспертиза ва қонун ҳужжатларини туркумлаш шўъбаси етакчи маслаҳатчиси.

Демак, инсоний бахт аввало соғлиққа, қамолот пойдевори соғлом авлод тарбиясига боғлиқ. Зеро, донишмандлар айтганларидек, ҳуш ҳаёт омиллари бешта: соғлиқ, омонлик, фаровонлик, яхши дўст ва тинч, осуда ҳаёт. Улардан энг муҳими соғлиқдир.

Кекса педагог, олима, тарих фанлари номзоди, доцент Маъмура Тўлаганова шундай дейди:

– Ватан тараққиёти, унинг тақдири, осуда ва фаровон ҳаёт, умр лаззати, юксак маънавият ва маърифат фақат ақл-идрок, ташаббус ва фидоийлик билан эришиладиган соғлом она ва соғлом бола тарбиясидадир. Соғлом оналар жамиятнинг гули бўлса, улар тарбиялаган соғлом бола Ватанининг қалбидир.

"Соғлом бола, соғлом авлод орузи аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муносабат

ЖАМИЯТИМИЗ БАХТИ

этибор қаратишимиз, айниқса олис ва чекса ҳудудларда мураккаб иқлим шaroитида яшаётган аҳоли, аввало аёллар учун ижтимоий, маншай, тиббий нуқтани назардан зарур шароитларни яратиш, бўлажак келин-куёвларни тиббий кўридан ўтказиш бўйича масъулиятни кучайтириш зарур. Шунингдек, бўлғуси оналар, яъни қизлар тарбияси, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиши, замонавий билим ва касбухоналарни эгаллаши, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, ҳомилдор аёлларни асраб-авайлаш, ёш оналар ва болаларни талаб даражасида парварши қилиш ишларида муносиб хисса қўиш, ўз вазирасига жавобгарлик ҳиссини шакллантириш, бунинг учун мамакатимиз раҳбарининг "2014-2018 йилларда аҳоли репродук-

тив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори, шу асосдаги вилоят ҳокими қарорлари ижросини таъминлашга янада масъулият билан ендашсини қатъий мақсад қилдик.

Вилоятимизнинг ҳар бир шаҳар, туман аҳолиси, айниқса аёллар, оналар ва болалар масаласи, уларнинг ҳаётий эҳтиёжлари, шу билан бирга ҳуқуқ ва мажбуриятлари борасидаги ташкилий, маънавий-маърифий, тарғибот ишларини янада кучайтириш учун хотин-қизлар кўмитаси, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ички ишлар бошқармалари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Қамолот" ва бошқа барча жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш асосий вазирамиз эканини чуқур хис этиб ишлаш керак. Бу

борада вилоят ҳокимлиги-Да Соғлом она ва бола йили муносабати билан ўтказилган йилгилишга айтилган гаплар, вилоят ҳокими А. Усмановнинг чуқур танқидий, таҳлилий мулоҳазалари, кўрсатмалари асосида астойдил иш юритиш муҳим аҳамиятга эга.

Мамакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек: "Бунинг учун ҳаммаимиз биргаликда иш олиб боршимиз, хусусан, жойларда ҳокимият идоралари билан маҳалла, хотин-қизлар, нурунийлар, ёшлар ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш, эл-юрт орасида обрў қозонган ҳурматли инсонлар, муҳтарам кайвониларни бу ишларга кенг жалб этиш айни мудоаа бўлур эди..."

Насиба ҚУЛБЕКОВА, вилоят ҳокимлиги оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш котибияти мудири.

ГЎЗАЛ АРЧА АТРОФИДА

Вилоят кўзи ожизлар жамияти ташаббуси билан "Санъат гулшани" маданият саройида жамият аъзолари фарзандлари учун "Арча атрофида" байрам тадбири ўтказилди. Унда вилоят кўзи ожизлар жамияти шаҳар ва туман бўлиmlари раислари, жамият фаоллари ҳамда уларнинг фарзандлари иштирок этди.

– Арча атрофидаги болажонларнинг

қувноқ кулгилари барча иштирокчилар қалбини завқ-шавққа тўлдирди, – дейди вилоят кўзи ожизлар жамияти раҳбари Замира Раҳимова. – Ҳар бир болажоннинг қалбига қувноқ олиб кирганимиздан беҳад шодимиз.

Байрамонга безатилган гўзал арча атрофида болажонлар Қорбобо ва Қорқизнинг ширин сўхбатлари ҳамда соғва-саломларидан баҳраманд бўлишди. **НАРГИС МАМАТҚУЛОВА.**

Партиялар ҳаёти

ДЕПУТАТНИНГ ЎТГАН БИР ЙИЛИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан Ангрен шаҳрида "Депутатнинг ўтган бир йили" мавзусида амалий семинар ташкил этилди.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашилари депутатлари Олмалиқ шаҳри ва Охангарон тумани партия фаоллари, бошланғич партия ташкилоти раҳбарлари иш-

тирок этган тадбирда депутатларга берилган кенг ваколатлар ҳамда маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари имконият ва ҳуқуқларидан самарали фой-

даланишлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнларида фаол иштирок этишлари ва ташаббускор бўлишлари лозимлиги таъкидланди.

– Депутат доимо халқ хизматига ҳозир нозир бўлмоғи, ўзига юқланган масъулиятни хис қилган ҳолда электрот ишончини оқламоғи лозим, – дейди вилоят кенгаши депутати Марҳабо Қурбонова. – Бугунги семинаримиздан хулоса қилиб айтиш керакки, ечимини кутаётган муаммолар жуда кўп. Уларни ижобий ҳал этиш эса депутатнинг асосий вазирасидир.

НАРГИС ҲАСАНОВА, Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

ТАБРИК

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
«ДОРИ-ДАРМОН» акциядорлик жамияти
 юртдошларимизни
 Янги йил байрами билан қутлайди.
 Соғлом она ва бола йили барчага омадли келсин!

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасини айтиб беринг.
– Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белги-ланган тартибда ҳарбий ёки мажбурий ҳизматни ўташга мажбурдирлар.
Бугун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш, Ватан ҳимоясини деган номига муносиб бўлиш ҳар бир йигит учун нафақат конституциявий бурч, балки юксак шон-шараф ишига айланди. Истиқлол фарзандлари – билимли, мустақил фикрлайдиган, дунёқараши кенг, нигоҳлари тийрак энг сара ўғлонлар миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётгани ҳаётимиз оёқ-қўлини мусал-фолга ишончли қўлларда эканидан далolatдир.

– Фарзандларингизми? – дедим суратга ишора қилиб.
– Ҳа, уч ўғил, бир қизим бор, – деди у. – Ўғилларим ҳозирданок ота изидан бо- тимизда замонавий қурол-яроғ ва техника билан ҳар томонлама яхши таъминлан-ган, ҳаракатчан, юксак талаб ва стандартларга жавоб бе-радиган, сарҳадларимиз хавфсизлиги ҳамда халқимиз-нинг тинч-осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир миллий армияни шакллантиришга қаратилаёт-ган эътибор ўз самарасини бераётир.
Унинг иш столи устидаги кўзларида қувонч чақнаб турган болаларнинг сурати эътиборимни тортиди.
– Фарзандларингизми? – дедим суратга ишора қилиб.
– Ҳа, уч ўғил, бир қизим бор, – деди у. – Ўғилларим ҳозирданок ота изидан бо-

боев яқинда уйдан хат олди. Хатдаги "Йигитлик бурчининг сидқидилдан адо эт, юзимизни ёруғ қилиб қайт", деган сўзлар унга янада куч-ғайрат бағишла-моқда.
– Ҳарбий хизмат чоғида гуруҳ командирларимиз жан-говар, маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича кўник-маларимизни ошириш билан бирга, Ватанин севиш, тинч-ликнинг қадрига етиш, эл-юрт қорига камарбаста бўлишдек олижаноб фазил-латларни синдиришга ало-ҳида эътибор қаратмоқда, – дейди у. – Ниятим келажак-да Ички ишлар вазирлиги академиясида тахсил олиб, юртимизнинг тинчлиги ва оёқ-қўлини мустаҳкамлашга ҳисса қўиш.
Оддий аскар Тоҳиржон Турсун-алиев Фаргона ви-лоятининг Тошлоқ туманидан. У Мар-ғилон шаҳридаги академик лицейни битиргач, муддат-ли ҳарбий хизмат-га келган. Тоҳиржон турли маънавий-маърифий тадбир-ларни, интеллектуал ўйин-лар, кўрик-танлов ва спорт мусобақаларини ташкил этишда ташаббускор.
– Янги йил байрами ва 14 январь – Ватан ҳимоячи-лари кунига сафдошларим билан қизгин тайёргарлик кўрдик, – дейди у. – Ҳар-бий қисимимизда жисмоний тайёргарлигимизни ошириш учун барча шариот бор. Бун-дан ташқари, кўплаб спорт мусобақалари, маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар мунтазам ўткази-лади. Бу билим ва кўникма-изини янада мустаҳкамлаш-га хизмат қилаётир.

ВАТАН, ДЕБ УРАДИ ЮРАК...

Президентимиз Ислоҳ Каримов-нинг 2015 йил 9 декабрдаги Ватан ҳимоячи-лари куни байрамига тайёр-гарлик кўриш ва уни ўткази-шга тўғрисидаги фармойи-шига биноан жойларда ҳар-бийлар билан урашувлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Бу йил Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда "Таянчим ва суюнчим, фахру ифтихорим-сан, муқаддас Ватан!" шио-ри остида нишонланмоқда.
Биз борган ҳарбий қисм-да ана шундай байрамона кайфият ҳукм сураётганига гувоҳ бўлдик.
– Ўзбекистон Республика-си Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондо-ни Ислоҳ Каримов раҳнамо-лигида миллий армиямизни ислоҳ этиш ва унинг мудо-фаа қудратини, жанговар са-лоҳиятини, мамлакатимиз су-веренитетини ҳимоя қилиш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимизнинг тинч ҳаёт-ини қўз қорачиғидек асраш бўйича тайёргарлигини яна-да мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди ҳар-бий қисм командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, майор Зиёд Ҳакимов. – Мамлака-

ришга тайёргарлик кўрмоқ-да. Спортнинг қаратё тури билан мунтазам шуғуллан-моқда. Суратга қараб, фар-зандларим мустақил, фаро-вон юрtdа воёга етаётгани-дан севиnamан, зиммамдаги маъсулятини янада чуқур ҳис қиламан.
Йигитлик бурчини ўтаёт-ган аскарлар билан суҳбат-да миллий армиямиз ёшлар-нинг иродасини тоблайдиг-ан, уларга чуқур билим ва тарбия берадиган ҳаёт мак-табига айланганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.
Бу ерда ҳарбий хизмат-чиларнинг жисмоний ва жан-говар тайёргарлигини оши-риш, сиёсий, маънавий-маъ-рифий билимларини чуқур-лаштириш учун барча имко-ният яратилган. Ўқув хона-лари, машғулот майдонлари, спорт заллари, кутубхона, компьютер хоналари, ошхо-наю ётоқхонада аскарлар-нинг муддатли ҳарбий хиз-матни аъло даражада ўташи учун шароит муҳайё қилин-ган. Муддатли ҳарбий хиз-матни ўтаётган йигитларнинг бир-биринга ҳурмати, қадр-дон дўстлардек муносабати кишини қувонтиради.
Қорақалпоғистонлик од-дий аскар Оқилбек Камол-ов, "Алишер Навоий" УИА мухбири.

– Янги йил байрами ва 14 январь – Ватан ҳимоячи-лари кунига сафдошларим билан қизгин тайёргарлик кўрдик, – дейди у. – Ҳар-бий қисимимизда жисмоний тайёргарлигимизни ошириш учун барча шариот бор. Бун-дан ташқари, кўплаб спорт мусобақалари, маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар мунтазам ўткази-лади. Бу билим ва кўникма-изини янада мустаҳкамлаш-га хизмат қилаётир.

Телемулоқот

ЙИГИТЛИКНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ

Тошкент Давлат аграр университетидан республика Муҳофаа вазирлиги, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари ташаббуси билан ҳар икки вилоят ҳарбий округлари ҳудудларида хизмат қилаётган муддатли ҳарбий хизматчилар ва уларнинг ота-оналари иштирокида "Менинг ўғлим – Ватан ҳимоячи-си" мавзусида телемулоқот ташкил этилди.



қасамёйдан сўнг бизга сўз берган эди. Мана, берган сўзининг устидан чиқди. Тенгдошлари қато-рида ҳарбий либоси яра-шиб, гап-сўзларидан анча улғайиб, юрт ишон-чи олдиди масъуляти-ни янада чуқур ҳис қилиб турганидан гурурандик. Бунинг учун албатта, мил-лий армиямизни ислоҳ этиш ва унинг мудофаа қудратини, жанговар са-лоҳиятини юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсиз-лиги ва халқимиз тинч-лигини асрашда ҳарбий хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони, Юртбо-

шимизга миннатдорчи-лик билдирамиз.
Шунингдек, телемуло-қотда Тошкент ҳарбий округида хизмат қилаёт-ган сурхондарёлик оддий аскарлар ҳам ота-онала-ри ва яқинлари билан суҳбатлашишди. Муддат-ли ҳарбий хизматчилар ва уларнинг ота-оналари-га эсдалик совғалари топ-ширилди.
Тадбирда вилоят ҳоки-ми ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева ишти-рок этди.
Бектош ИСМОИЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

ран орқали дил изҳорла-рини баён этишди.
– Ўғлимиз, оддий ас-дин Дониёр Рихсибоевни мониторинг кўриб, суҳбат-лашиб, бошимиз осмон-га етди, – дейди ўрта-чирчилик Феруза ва Вали Содиқовлар. – Бун-дан салкам бир йил ол-дин фарзандимиз Сур-хондарёда Ватан олдида-ги йигитлик бурчини ўта-ш учун қабул қилган

чирчилик Феруза ва Вали Содиқовлар. – Бун-дан салкам бир йил ол-дин фарзандимиз Сур-хондарёда Ватан олдида-ги йигитлик бурчини ўта-ш учун қабул қилган

чирчилик Феруза ва Вали Содиқовлар. – Бун-дан салкам бир йил ол-дин фарзандимиз Сур-хондарёда Ватан олдида-ги йигитлик бурчини ўта-ш учун қабул қилган

чирчилик Феруза ва Вали Содиқовлар. – Бун-дан салкам бир йил ол-дин фарзандимиз Сур-хондарёда Ватан олдида-ги йигитлик бурчини ўта-ш учун қабул қилган

чирчилик Феруза ва Вали Содиқовлар. – Бун-дан салкам бир йил ол-дин фарзандимиз Сур-хондарёда Ватан олдида-ги йигитлик бурчини ўта-ш учун қабул қилган

ОСУДА КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Мамлакатимиз тари-хан қисқа даврда ўз кучи ва салоҳиятига таянган, тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир, из-чил ва барқарор суръ-атлар билан ривожла-ниб бораётган давлатга айлангани барчамизга гурур-ифтихор бағишла-моқда.
Қибрай тумани ҳам

ҳар жиҳатдан тараққий этиб бормоқда. Кенг ва равон йўллар, бунёд этилган замонавий уй-лар, маданий-маиший объектлар, тадбиркор-лик шохобчалари ўзига хос меъморий ечими билан кўзни қувонтира-ди. Шу кунларда улар-нинг байрамона беэати-лигани, бозорлардаги тўкинлик туман аҳолиси-

нинг Янги йилни ҳуш кайфиятда кутиб олаёт-ганини яққол кўрсатиб турибди.
– Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик, меҳр-оқибат муҳити энг катта бойлигимиздир, – дейди "Алишеробод" маҳалла фуқаролар йи-гини раиси Матназар

Ширинов. – Буни асраш ва мустаҳкамлаш, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик-ни янада кучайтириш энг асосий вазифалари-миздир. Зотан, бугун дунёда содир бўлаётган турли тўқнашувлар ку-чайиб бораётганини ку-затиб, беғамлик ва бе-парволикка йўл қўйма-дан, доимо ҳушёр ва сезгир бўлишни ҳаёт-

нинг ўзи талаб этаётга-нига амин бўламиз.
Янги йил байрамининг тинч, осойишта ва кўта-ринки кайфиятда кутиб олишда маҳалла фаол-лари, ҳуқуқ-тартибот органлари олдида тур-ган долларб вазифалар хусусида фикр-мулоҳаза-лар билдирилди.
Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ТАБРИК ВА ЭЪЛОНЛАР

20 ЙИЛЛИК ВАҚТ БИЛАН СИНАЛГАН ИШОНЧЛИ ҲАМКОР
"Respublika mulk markazi" АЖ ҳорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги барча фуқароларни ҳўжалик юритувчи субъектлар устас фондидаги улушлари, автомобилтранспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва қўчмас мулк ҳисобланмайдиган бошқа турдаги давлат ва нодавлат мол-мулкларнинг оммавий сав-доларида иштирок этишга таклиф этади. Телефон: (0371) 228-79-52, 228-80-31. www.rmm.uz

"Respublika mulk markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб боради тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Боши прокуратураси ҳўзурлиги солиқ, салотига оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легал-лаштиришга қарши курашни департаменти Тошкент вилояти бошқармасининг 24.12.2015 йилдаги 13/6-1477-15-сонли буюрғига хатга асосан, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 10-А уй манзилида сақлана-ётган "Chevrolet Niva" русумли, давлат рақами 01/769ССА бўлган, 2005 йил ишлаб чиқ-рилган автомобил воситаси кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 16.725.000 сўм.
Аукцион савдоси 2016 йил 9 февраль куни

савдо 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача туш-лик). Аризаларни қабул қилишнинг охири му-ддати: 2016 йил 5 февраль кунин соат 18:00.
Автомобил воситаси 9 февраль кунин соат 11:00 да бўлиб ўтади, тақрибий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охири му-ддати 22 февралдаги савдо учун 19 февраль, 4 мартдаги савдо учун 2 март кунин соат 18:00.

Савдо години деб топиладиган шахсга 3 иш кунин ичига сотувчи билан олин-сотиб шарт-номаси тузиш мажбурияти ақлатилади. Сав-дога иштирок этиш учун ариза, закатал нули туланганлиги ҳўқдаги тўлов ҳўжжати нуسخа-си, вакиллар учун ишончнома тақдим этила-ди.
Табриқорлар савдо ташкилотчиси билан ту-зиладиган ақалат келишувга асосан мулк бо-шланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлма-ган миқдорда закатал нулини "RMM" АЖ-нинг ОАИКБ "Ишак йўли банк" Савдон фи-лиалдаги 20210000300571452114, МФО

01036, ИНН 200933850 ҳўр.га савдога ишти-рок этиш учун ариза тоширишга қадар туш-улашлари шарт. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Ол-мазор тумани, 1-Қорақўмиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Гувоҳнома №001580.
Ҳорижий ва маҳаллий сармоядорлар лиқалатига!
"Respublika Mulk Markazi" АЖнинг устас фондидаги 34 фоиз бошланғич нархи 1 568 627 339 сўм бўлган давлат улушини "Тош-кент" РФБнинг бирла савдолари орқали со-тиб олишни таклиф этами!

Савдо години деб топиладиган шахсга 3 иш кунин ичига сотувчи билан олин-сотиб шарт-номаси тузиш мажбурияти ақлатилади. Сав-дога иштирок этиш учун ариза, закатал нули туланганлиги ҳўқдаги тўлов ҳўжжати нуسخа-си, вакиллар учун ишончнома тақдим этила-ди.
Табриқорлар савдо ташкилотчиси билан ту-зиладиган ақалат келишувга асосан мулк бо-шланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлма-ган миқдорда закатал нулини "RMM" АЖ-нинг ОАИКБ "Ишак йўли банк" Савдон фи-лиалдаги 20210000300571452114, МФО

AGROBANK
жамоатси азиз юртдошларимизни янги – 2016 йил билан самимий муборакбод этади. Соғлом она ва бола йили юртимизга файзу барақали келишини ҳамда барча эзгуликлар ҳамроҳ бўлишини тилаб, қўидаги банк хизматини таклиф этади.

"Агробанк" ҳамда Click компанияси ҳамкорлигида жорий этилган "Мобиль савдо" тизими орқали уяли телефонингиздан маҳсулот ва хизматлар учун тўловларни содда ва тез амалга ошириш хизматидан фойдаланинг.

CLICK
mobil savdo
sodda va tez to'lov

Мобиль савдо белгиси мавжуд жойларда тўловни амалга оширишингиз мумкин.

www.agrobank.uz

«Ўзбекистон металлургия комбинати»
акциядорлик жамияти бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси

2016
йил билан барча ватандошларимизни қутлайди.

Юртдошларимизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт тилайди.

ТАБРИК

«ОҲАНГАРОН ДОНМАҲСУЛОТЛАРИ»

акциядорлик жамияти

юртдошларимизни

Янги йил байрами

билан қутлайди.

2016 йил барчамизга

қувонч ва хурсандчиликлар
олиб келсин!

Ҳаёт сабоқлари

Туробжон нари-бери ноушта қилди-да, ишга отланди. Ҳаворанг бўйинбоғига кўзи тушди-ю, шашти пасайди. Бўйинбоғ боғлашни ҳалигача ўрганолмаган. Ҳар сафар хотини тақиб кўярди. Уни чақирмоқчи бўлди-ю, бироқ нимадир тўсқинлик қилди. "Бир кун ишга бўйинбоғиз борсам, борибман. Шунгаем Солиҳани чақириб ўтираманми, кеча ноўрин хафа қилиб қўйдим", деган фикрда даҳлизга чиқди. Пойабзали ҳар доим-гидек ялтираб турибди. Кечаги лой тегиб, қўлмак сув сачраган доғлардан асар ҳам қолмапти. Туробжон эшик зулфиға қўл чўзган ҳам эдики, орқадан овоз эшитилди:

- Шошмай туринг.

Туробжон ўғирлиб қараса, елкасига сочқ ташлаган хотини турибди. Қўлида боа тақомай, қийналган бўйинбоғи. Жимгина яқинлашиб, бўйинбоғни тақа бошлади. Туробжон унинг ийманиб турган сутдек оппоқ юзига бокди. Бироз кўқариб, шишибди. Туни билан яхши ухломмай, йилган шекилли, кўзларим қизарибди. Кечаги тарсакиси ҳақиқатан ҳам ноужа бўлганини фахмлади.

- Эсингиздан қикдим, бугун хорижлик акциядорлар билан учрашасиз, - деди хотини. - Бўйинбоғ тақмасангиз хурматсизлик бўлиши мумкин.

"Буни қаранг-а, муҳим учрашув буткул эсимдан чиқибди-ку! Яхшиямки, Солиҳам бор. У бўлмади-ку."

Туробжон йўлақай кечаги ноҳуш воқеада фақат ўзи айбдор эканини ўйлаб борди. Тўғрида, хотини бор-йўғи икки юз минг сўм пул сўради. Шу арзимас нарсадан жанжал чиқди. Нима қилса ҳам берса бўларкан. Ахир, йўқ эмасди-ку.

Туробжон хаёл билан

бўлиб, йўл чеккасида қўл кўтарётган синфдоши Бобурни кўрмай, ўтиб кетишига сал қолди. Машинани четроққа олиб, анчадан буён кўрмаган кадрдон оғайниси билан кучоқлашиб кўришди. Унинг эғнидаги чанг футболка, жинси шим ва артилмаган туфлисига кўзи тушди, авзойи ҳам бузуқлигини пайқайди. Оғайнисини бу аҳволда ҳеч кўрмагани учун сабабини сўради.

- Э, қўй, сўрамагин, Ту-

робжон. - Уткинчи дунёни деб, бир умрлик эридан юз ўгирса-я?! Бечора Солиҳа. Озиб-эзиб, йилда бир марта пул сўраган эди-я, қўйлақ оламан, деб. Зиқналик қилиб, пулни ҳавога учирасан, дебман. Озгина эркалик қилиб, хархаша қилганини юзига солибман-а. Бу ҳам етмагандек, тарсаки... Ўзи охириги марта қачон тузукроқ қўйлақ олиб бергандим? Рўзгорни бит қилишни, онами Ҳаж сафарига юборишни,

машина олишни унутмаман-у, Солиҳага эплаб қарашни билмабман. Эрталабдан кечгача тиним билмайдим. Онаминг хизматини қилади. Йўқ. Бунақаси кетмайди. Ишга кеч қолсам ҳам, ҳозирроқ уйга бориб, Солиҳадан узр сўрайман. Кеча унга тарсаки

роб. Ўзи шундоғам икки кундан бери кайфиятим йўқ. Айтишгаем уяласан киши.

- Нега, тортинмай айтавер, неча йиллик дўстимиз, ахир.

- Билмадим, Туроб. Бошим қотиб қолди. Ишим юришмаяпти. Корхонамизда муаммолар кўпайиб, маблағдан қийналиб қолдим. Хотин ва бола-чақамни олдингидай едириб-қийдирилмаяман. Бунинг устига яқинда қайсингизим турмушга чиқадиган бўлиб қолди. Қарз-ҳавола қилиб, тўёна бердим-у, аммо хотин тузмагур, сингисининг тўйига янги қўйлақ, нархи тушимгаем қирмаган трос олиб берасиз, деб туриб олган. Шунга баҳона қилиб, аразлаб юрибди.

Туробжоннинг дўстига раҳми келдими:

- Ҳу-уш, бундоқ қилмасиз, дўстим, - деди. - Ишхонамин биласан, эртага ўт. Ермам бераман. Бориб хотинингнинг кўнглини ол. Пулни қачон топсанг, шунда қайтарсан.

"Мана, одамларнинг хотини қанақа, - ўйлади Ту-

туширишимга сабабчи бўлган нарсасини ортиги билан олиб бераман".

...Солиҳа шоша-пиша эшикни очганида, қаршида хушқайфиятда, кипқизил атиргуллар тутиб турган эрини кўриб, севи-ниб кетди.

...Хорижлик акциядорлар билан учрашувга аёло даражада ўтиб, иши "беш" бўлган Туробжон уйга кеч қайтди. Дид билан ясалган дастурхон тўрида онасини ярашиб турган оппоқ рўмонда, чиройли қўйлақ, ян-янги маҳсида кўриб, ҳайрон бўлди. Онасини уни бағрига босди:

- Яхшимисан болагинам? Эрталабдан буён интиқ бўлиб кутаман. Сенга раҳмат айтмоқчийдим. Менга шундай қимматбахо сарполар олиб берганиндан бошим осмонга етди. Солиҳа: "Ойижон, олинг, бу ўғлингиздан арзимас совға", деганида шошиб қолдим. Сендан мингданминг розиман, болам. Илоё, мартабанг бундан-да улуг бўлсин!..

Зухра АҲМЕДОВА,
Ангрен политехника касб-хунар коллежи ўқувчиси.

МАЙДОН
ЭГАЛАРИ ФОЛИБ

Бўка агросаноат касб-хунар коллежида Кексаларни эъозлаш йили муносабати билан туман ҳокими соврини учун бокс бўйича вилоят очик турнири ўтказилди.

Турнирда республика вилоятларида келган боксчилар, Олимпиада ва Жаҳон чемпионати совриндорлари ҳамда 2016 йил Рио Де Жанейрода бўлиб ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларига йўланма олган боксчилар иштирок этди.

Умумжамоа ҳисобиди 3 та олтин, 1 та қумуш, 5 та бронза медали соҳиби бўлган

бўкалик ёш боксчилар чемпионлики қўлга киритдилар. Вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов ҳамда Ўзбекистоннинг машҳур боксчиси, собиқ Жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев турнир голибларига эсдалик совғаларини топширди.

Исмоил ТОШЕВ.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.



Кулганга нима етсин

Қиш. Қор ёғаяпти. Ўрмонда жаҳл отига минган айиқ у ёқдан бу ёққа чопиб қичқиради:

- Нима учун сентябрда қаҳва ичдим-а?

- Доктор, гриппга чалиниб қолибман, Нима маслаҳат берасиз?

- Мендан нарироқ туринг!

Ота 9 ёшли ўлига:

- Менга қара, нега сен "Бола тарбияси" тўғрисидаги китобни ўқисан?

Ҳули:

- Мени тарбиялашда ҳаддилариндан ошмаянсизларми, шунга назорат қилмоқчиман.

Бешинчи қаватда яшайдиган зиқна одам ўлига туфли олиб бериб, шундай дебди:

- Зинадан чиқинди битта зина ташлаб чиққин, шунда туфлигинг орадаги зинага тегмай, ишқаланиш камроқ бўлиб узокроқ чидайди.

Ҳули: "Ҳўп бўлади" деб, чиқиб кетиб,

бир оздан кейин шими йиртиқ кириб келибди. Буни кўриб, зиқнанинг жони чиққудай бўлиб:

- Шиминг қандай йиртилди?

- Туфлим, кўпроққа чидасин деб, икки зина ташлаб чиқувдим, - дермиш.

Хотин эрига:

- Дадаси, эсингиздами, турмуш қурмасимиздан илгари ҳар бир учрашувимиз романтиска эди. Кечалари ташқарига чақирардингиз, мен уйдагиларга билдирмай ёни-

гизга чиқардим. Қандай маза эди... Яна шунга учрашувга таклиф қилинг!

Эр:

- Ҳўп азизам, бугун кечқурун соат 22:00 да болаларни ухлатиб, ошхонага чиқ, чой ичамиз!

Тушунмадим, бир оёғингга калши, бир оёғингга туфли кийиб олисан?

- Ахир об-ҳавони эшитмадингми, айрим жойларда ёлғир, айрим жойларда кўши чиқармиш.

КОСМОНАВТЛАР ЯНГИ ЙИЛНИ
ҚАНДАЙ НИШОНЛАШАДИ?

Айни кунларда парвозда бўлган халқаро космик станция экипажи аъзолари анъанага кўра, Янги йилни 15 мартга нишонлашади.

Парвозни бошқариш марказидан ҳикоя қилишларича, халқаро космик станциясида Янги йил бир кеча-кундузда 15 марта кириб келади. Биринчиси, 31 декабрь кунини Москва вақти билан соат 16.30 да содир бўлади. Бу вақтда станция Янги Зеландиянинг жануби-ғарбида парвоз этади. Москвада Янги йил кирганида эса, экипаж Африка ҳамда Жанубий Америка оралиғида, Атлантика уммони устида бўлади.

Космик кема бортидаги станция Гринвич вақти бўйича ишлади. Шу сабабли кеманинг ўзида Янги йил Москва вақти билан 1 январь кунини тунги соат 3 да киради. Бу пайтда кема Чилининг ғарбий соҳилида, Тинч уммони устида ҳаракатланаётган бўлади.

Экипаж аъзолари сўнги Янги йилни 1 январь кунини Москва вақти билан соат 14 дан 5 дақиқа ўтганда нишонлашади. Бу пайтда кема Янги Зеландиянинг жануби-шарқий қисмида учиб бораётган бўлади.

Эслатиб ўтамиз, халқаро космик станция экипажи Россия космонавти Юрий Маленченко, Сергей Волков ва Михаил Корниенко, европалик астронавт Тимоти Пик, шунингдек, америкалик астронавтар Тимоти Копра ва Скотт Келлидан иборат.

2016 ЙИЛДАН ГУВОҲНОМА МУДДАТИ ЎЗГАРАДИ

Финляндия ҳукумати ҳайдовчилик гувоҳномаси учун имтиҳонларни Янги йилдан бошлаб янги тартибда ўтказишга қарор қилгани ҳақида хабар тарқатди Yle радиостанцияси.

Умуман, Янги йил бошидан ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш жараёнлари кескин ўзгаради. Жумладан, илгари икки йилга бериладиган вақтинчалик гувоҳнома муддати тугаганидан сўнг алмаштирилди. Энди бу қонда бекор қилинади. 2016 йилдан бошлаб гувоҳнома бир йўла 15 йиллик муддатга берилади. Бундан ташқари, имтиҳонлар ҳам Янги йилдан компьютерда эмас, планшетда топирилади. Ва нихоят, Янги йилдан бошлаб, ҳайдовчилар гувоҳномани полицияда эмас, транспорт хавфсизлиги агентлигида олишади.

ЙЎЛОВЧИЛАР ЖАРОҲАТ ОЛДИ

Шанхайдан Торонтога парвоз қилаётган Air Canada авиаконаняси самолёти йўловчилари парвоз пайтидаги турбулентлик ҳолатидан жароҳат олдилар, деб хабар бермоқда CTV News.

Самолёт шу сабабли Канаданинг Калгари шаҳрига қўнган. Авиаконаня жароҳат олган йўловчилар шифохонага етказилганларини айтди. Уларнинг аниқ сони маълум қилинмади.

Телеканал журналисти маълумотларига кўра, аэропортдан камиди 6 киши замбилларда олиб чиқиб кетилган. Калгари ўт учирувчилари вакилининг маълум қилишича, 20 га яқин киши бўйин ва бел соҳаларидан жароҳат олган.

Маълумотларга кўра, самолёт бортида 332 йўловчи ва 19 нафар экипаж аъзоси бўлган.

XIII АСРДАГИ УЯЛИ ТЕЛЕФОН

Ноанъанавий видеотасвир муаллифи интернет орқали намойиш этаётган лойдан ясалган мобил телефон моделига кизиқиш тобора кучаймоқда.

Муаллифнинг айтишига қараганда, лойдан ясалган ушбу уяли телефон Австрияда, аниқроғи, Зальцбургдаги қазинмалар чоғида топилган бўлиб, у 800 "ёшда". Унинг фикрича, ушбу аппарат Месопотамияда "ердан ташқари цивилизация" таъсирида яратилиб, кейинчалик Австрияга келтирилган бўлиши мумкин эмиш. Ишончли асосга эга бўлмаган бу фикрдан ташқари, топилма муаллифи ҳеч қандай маълумот бермади.

Видеода намойиш қилинаётган ушбу аппарат амалдаги телефон моделига жуда ўхшаб кетади. Бироқ, сетдан фойдаланаётган кўпчилик бу "шув-шувли топилма" одамларни лақиллатишдан бошқа нарса эмас, демоқдалар.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Маърузчи:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар

кўчаси, 32.

Электрон почта:

thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:

Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39,

233-58-85 (факс).

Бўлим муҳаррирлари ва

мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.

Шартнома ва эълонлар:

233-56-03, 233-65-59.

Ҳисоб-китоб бўлими:

233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ

Навбатчи

Бектош ИСМОИЛОВ

Саҳифаловчи

Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ